

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIIY-IQTISODIIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2025-yil 20-noyabr, payshanba

46 (9366)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

СУВ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

Яқинда пойтахтимизда Халқаро сув ҳамкорлиги ва Ўзбекистон Республикасининг сув қонунчилигини такомиллаштиришга бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан Осиё тараққиёт банки (АБР), Жаҳон банки, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги (SDC) ва бошқа донорлар билан биргаликда ташкил этилган тадбирда давлат органлари, халқаро ташкилотлар, дипломатик миссиялар, тадқиқот марказлари ва экспертлар иштирок этиб, сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги асосий ислохотлар ва инновациялар юзасидан фикр алмашилди. Конференциянинг асосий мақсадлари – халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тажриба алмашиш ва сув қонунчилигини такомиллаштириш, шунингдек, сув соҳасида замонавий бошқарув, рақамли ва иқтисодий инструментларни жорий қилиш бўйича мулоқотни ривожлантиришдан иборат бўлди. Конференциянинг марказий мавзусидан бири – Ўзбекистон Республикасининг янги Сув кодексини тақдим этиш бўлди. Кодекс барқарор сувдан фойдаланиш, соҳани шаффоф тартибда тартибга солиш ва сув экотизимларини ҳимоя қилиш бўйича



ҳуқуқий асосларни белгилайди. Кодекс замонавий халқаро стандартлар ва Марказий Осиёнинг энг яхши амалиётларига мувофиқ, кўпроқ мослашувчан, интеграцияланган ва илмий асосланган сув бошқаруви моделини жорий этиш имкониятларини яратди.

Марказий Осиё давлатлари сув ҳўжалиги вазирликлари ва халқаро ташкилотлар вакилларининг иштирок этиши умумий сув муаммоларини ҳал қилишда минтақавий ҳамкорлиқнинг аҳамияти ортиб бораётганини кўрсатади. Конферен-



цияда сув таъминотини яхшилаш, сувни тежаш технологияларини жорий этиш ва айниқса, Оролбўйи ҳудудда аҳолига қаратилган дастурларни ривожлантириш бўйича қўшма ташаббуслар муҳокама қилинди. Сув соҳасини молиялаштириш ва ирригация инфратузилмасини, сув таъминоти ва санитарияни модернизация қилиш учун инвестиция жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Янги молиявий механизмлар, рақамли ечимлар ва халқаро ҳамкорлик моделлари кўриб чиқилди, улар сув бошқарувининг барқарорлиги ва шаффофлигини узоқ муддат таъминлайди. Конференциянинг Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистоннинг сув ресурслари соҳасида билим ва тажриба алмашиш бўйича минтақавий марказга айланишга интилангани ҳамда мамлакатнинг барқарор ривожланиш, инновация ва очиқ халқаро мулоқотга содиқлигини тасдиқлайди.

Ўз мухбиримиз

ЎЗБЕКИСТОН МИНАМАТА КОНВЕНЦИЯСИГА ҚЎШИЛИШ ЙЎЛИДА МУҲИМ ҚАДАМ ТАШЛАМОҚДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамкорлигида симобни бошқариш ва Минамата конвенциясини амалга ошириш бўйича уч кунлик семинар ўтказилди.

Анжуманнинг асосий мақсади – Ўзбекистон учун илк миллий симоб инвентаризациясини яратишдир. Бу орқали мамлакатдаги турли соҳалар – энергетика, саноат, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа тармоқлардаги симоб маъбалаи, чиқинди-ни аниқлаш ҳамда баҳолаш режалаштирилган. Бу жараён халқаро Минамата конвенцияси доирасида амалга оширилётгани аҳамиятли.

Иштирокчилар фикрича, ҳужжатнинг бош мақсади симоб ва унинг бирикмалари таъсири-ни камайтириш, инсон соғлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишдир. Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган "Хавфли қимёвий моддаларни оқилонга бошқариш бўйича техник қўмақ" лойиҳаси доирасида ташкил этилган семинарда энергетика, саноат, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳалари вакиллари ҳамда халқаро экспертлар иштирок этди.

ФАОнинг қишлоқ ҳўжалиги бўйича мутахассиси ва лойиҳа техник раҳбари Тания Сантиванес семинар натижаларига тўхталар экан, шундай деди:

– Семинар давомида Ўзбекистон мутахассислари симоб инвентаризациясини мустақил олиб бориш учун зарур бўлган энг зарур амалий қўлиқмалари эгаллади. Энг муҳими, биз назариядан амалиётга ўта олдик. Жамоа аллақачон миллий маълумотлар асосида дастлабки инвентарь лойиҳаларини шакллантиришни бошлади.

Қайд этиш керак, бу каби реал амалий натижалар халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат тизимларининг узоқ муддатли хавфсизлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази директори Рустам Эргашев семинар аҳамиятини қуйидагича изоҳлади:

– Симоб бўйича илмий асосланган инвентаризацияни яратиш – биз учун миллий устувор вазифа ва Минамата конвенциясига қўшилишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Ушбу семинар мутахассисларимизни замонавий методология билан таъминлаб, идоралараро ҳамкорликни кучайтирди ва хавфли қимёвий моддаларни бошқариш бўйича миллий стратегиямизни олдинга сиқитишда муҳим қадам бўлди.

Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎзА мухбири.

Agritechnica 2025:



Жаҳон агротехникасида янги босқични белгилаган глобал инновациялар майдони

Германиянинг Ганновер шаҳрида 9-15 ноябрь кунлари бўлиб ўтган Agritechnica 2025 халқаро кўргазмаси дунё аграр тармоғининг энг нуфузли тадбирларидан бири сифатида яна бир бор ўзига хос рекордларни ўрнатди. Тадбирда 171 мамлакатдан 476 мингга яқин проффесионал муҳандислар, фермерлар, инвесторлар, дилерлар, шунингдек, 52 мамлакатдан 2 849 компания қатнашди. Бу йилги кўргазмада "Touch Smart Efficiency" ("Сунъий интеллект самарадорлиги") концепцияси асосий шир сифатида танланди. Унда қишлоқ ҳўжалигида рақамлаштириш, автоматлаштириш, сунъий интеллект, автоном техника, ресурс тежамкорлик, юқори ҳосилдорлик ва иқтисодий самарадорликни бир йўналишда бирлаштирган замонавий ечимлар намойиш этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Таълимда рақамли технологиялар:

ЗАМОНАВИЙ ВОСИТАЛАР ЎҚИТУВЧИЛАРГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРАДИ?

Рақамли технология ўқув жараёнининг маъмурий вазифаларини ҳал қилишдан тортиб, онлайн тарзда уй вазифаларини бажаришга бўлган турли жабҳаларида қўлланилади. Натижада рақамли қурилмаларнинг сезиларли афзалликлари мактабларда уларни зарур элементга айлантирди. Агар рақамли технологиялар ўқитишни қандай оsonлаштириши ва ўқитувчилар ундан нега кўрқмасликлари кераклигини аниқ кўрсатувчи тадқиқотларни кўриб чиқадиган бўлсак, бугунги мактаб ўқувчилари рақамли дунёда улғайган ва қундалиқ ҳаётларида ва ўқишларида гаджетлардан завқланишмоқда.



Маълумотларга кўра, 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларнинг кўпчилиги уйда шахсий компьютерларига эга ва улар ҳар кун

интернетдан фойдаланишади. Тадқиқотлар шунини кўрсатадики, мактабда технологи-яга эга бўлмаган ўқувчиларда фанларни

ўрганишга қизиқиш пасайиши мумкин. Ўз навбатида, синфда рақамли технологиядан фойдаланиш ўқитувчиларга ўқув жараёнини янада қизиқарли қилишга ёрдам беради. Масалан, синфда онлайн викториналар ўтказишда ўқувчилар ўз синфдошларига қараганда тўғри жавобни тезроқ топиш учун сезгирлик ва диққатни жамлашлари керак бўлади. Тадқиқотлар шунини кўрсатадики, бу турдаги дарслар ўқувчиларнинг фанга қизиқишини оширади.

Бундан ташқари, рақамли технологиялар ўқитувчиларга таълимни индивидуallashti-ришга ва уни инклюзив қилишга ёрдам бе-ради. Рақамли технологиялар ёрдамида ўқитувчилар ўқувчиларнинг билим дара-жаси ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда индивидуallashtiрилган ўқув дастурларини яратиши ва бунинг натижасида уларнинг ҳар бирининг имкониятларини юқори да-ражада ошириши мумкин.

(Давоми 2-саҳифада)

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 19 ноябрь куни камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда бу йўналишдаги ишларни қуйида тўғри ташкил қилиш, маҳаллама-маҳалла юриб, янги ташаббусларни топиб, одамлар ҳаётини яхшилашга масъул бўлган вилоят, туман ҳокимлари ҳамда улар ходимларининг моддий ва техник имкониятлари тубдан яхшиланди.

Жорий йил бошидан ишсизлик 4,9 фоизга тушди (ўтган йили 5,5 фоиз бўлган). Айниқса, Бухоро, Когон, Навоий, Зарафшон, Ҳовос, Самарқанд, Ширин шаҳарларида ишсизлик 4 фоиздан пасайиб, илк бор "табиий ишсизлик" даражасига яқинлашди.

Эҳтиёжманд 302 минг оила камбағалликдан чиқди. Йил якунигача камбағаллик даражаси 6 фоизгача камайиши кутилмоқда (ўтган йили 8,9 фоиз бўлган).

Шароити оғир бўлган Ҳовос, Мирзаобод, Оқолтин, Дўстлик, Пахтакор, Фориш, Бўстон, Вобект, Миришкор, Мингбулок, Узун ва Пискентда камбағал оилаларнинг сонини 4,5 баробаргача камайди. Илгари қийин аҳволда бўлган 105 минг оила даромад кўриш-ни бошлади.

Жорий йилда илк бор 1

минг 435 та маҳалла "камбағалликдан холи" ҳудудга айланди.

Шу билан бирга, айрим туманларнинг ҳокимлари катта ресурси ва маблағи бўла туриб, ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйгани, одамларга имкониятга яраша тайёр лойиҳа бермагани танқид қилинди.

Шу боис, Денов тумани ҳокими ва унинг биринчи ўринбосари, Чироқчи тумани ҳокими ва унинг биринчи ўринбосари ишдан олиниши, яна 20 та туман ҳокимига ўрнатилган тартибда тегишли чора кўрилиши белгиланди.

Умуман, камбағалликни қисқартириш ва бандлик режаларини бажаришдаги масъулиятсизлик учун йил бошидан 261 нафар масъул ишдан олингани, яна 492 нафарига интизомий жазо берилгани маълум қилинди.

Келгуси йилда камбағаллик ва ишсизлик даражасини 4,5 фоиздан камай-тириш мутасаддиларнинг асосий вазифаси бўлиши қайд этилди. Бунинг учун келгуси йилда иқтисодиётга 450 триллион сўм кредит ажратилиши, 140 триллион сўми маҳалладаги кичик ва ўрта лойиҳалар учун бери-лиши белгиланди.

(Давоми 2-саҳифада)

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбари бу бо­радаги ишларни ташкил қи­лишнинг асосий йўналиш­ла­рини белгилаб берди.

Биринчиси – қурилиш орқа­ли аҳолини ишли ва даромад­ли қилиш.

Келгуси йилда мамла­ка­ти­ми­зда 675 трил­лион сўм­лик ин­ве­сти­ция лойи­ха­ла­рини амал­га оши­риш режа­лаш­ти­рил­ган. Шун­дан 380 трил­лион сўми қу­ри­лиш иш­ла­ри­га тўғ­ри ке­ла­ди. 140 минг хо­на­дон­ли кўп қа­ва­т­ли уй-жой ку­риш мақ­сад қи­ли­нган.

Ҳар бир ҳо­ким бун­дан са­ма­ра­ли фой­да­ла­ниб, қу­ри­лиш со­ҳа­си­нинг ў­зи­дан ка­ми­да 20-25 минг, я­ратил­ган ин­фра­ту­зил­ма орқа­ли 10 минг ки­ши­ни банд­ли­гини таъ­мин­ла­ши мум­кин­ли­ги қай­д этил­ди.

Энг кат­та ян­ги­лик – 2026 йил­да илк бор ма­ҳал­ла ин­фра­ту­зил­ма­си­ни ривож­лан­ти­риш учун 20 трил­лион сўм ви­лоят­лар­нинг ў­зи­га бе­ри­ла­ди.

Иккинчи йў­на­лиш – сер­вис лойи­ха­ла­рини кў­пай­ти­риб, аҳо­ли банд­ли­гини таъ­мин­лаш.

Мам­ла­ка­ти­ми­зда энг ю­қо­ри ў­сиш суръ­та­тини таъ­мин­лаёт­ган со­ҳа хиз­ма­т­лар со­ҳа­си экани таъ­кид­лан­ди. Ле­кин ви­лоят, ту­ман ҳо­ким­ла­ри хиз­ма­т­лар со­ҳа­си­га кат­та суръат бе­раёт­ган ту­ризм­ни ривож­лан­ти­риш орқа­ли иш ў­рин­ла­рини я­ра­тиш ва аҳо­ли даро­ма­ди­ни кў­пай­ти­риш им­ко­ни­ят­ла­рини тў­лиқ иш­га сол­маёт­гани кў­рсатиб ў­тил­ди.

Ту­ризм са­ло­хия­ти ю­қо­ри 150 та ма­ҳал­ла­нинг ин­фра­ту­зил­ма­си ях­ши­лан­са, бу ер­лар­да хиз­ма­т­лар ҳаж­ми­ни 10 трил­лион сўм­га ет­казиш, 45 минг на­фар ода­м­ни сав­до ва сер­вис­да банд қи­лиш мум­кин.

Шу бо­ис, ке­ласи йил­да 150 та ма­ҳал­ла­нинг ҳар би­ри­га ин­фра­ту­зил­ма учун 3-5 мил­ли­ард сўм­дан бе­ри­ла­ди. Ту­ман бан­клари бу жой­лар­да ме­ҳ­мон уй­ла­рини бар­по этиш учун 150 мил­ли­он сўм­га­ча им­тиё­зи кре­дит аж­ра­ти­шни йў­лга қў­яди.

Че­гара ва ан­к­лав ҳудуд­лар­да­ги ма­ҳал­ла­лар­га олиб бу­рув­чи йўл­лар­ни таъ­мир­лаб, у ер­да ме­ҳ­мон уй­ла­ри, дам олиш мас­ка­ни, сав­до-сер­вис об­ект­ла­ри таш­кил қи­лиш орқа­ли ои­ла­лар­нинг даро­ма­ди­ни кў­пай­ти­риш му­ҳим­ли­ги таъ­кид­лан­ди. Уш­бу ма­ҳал­ла­лар­да дам олиш ва сер­вис об­ект­ла­рини қу­риш лойи­ха­ла­ри учун 1 трил­лион сўм ре­сурс аж­ра­тиш топ­ши­рил­ди.

Бун­дан таш­қари, со­ҳил ва йўл бў­йи­да сер­вис ривож­лан­ти­риш бў­йи­ча 500 та ма­ҳал­ла тан­лаб оли­нган. Ту­ман бан­клари бу жой­лар­да ка­ми­да 5 та до­имий иш ў­рни я­ра­та­диган лойи­ха­лар­га 1 мил­ли­ард сўм­га­ча кре­дит бе­ри­шни йў­лга қў­яди.

Шу йил­нинг ў­зи­да 255 та ту­ну кун иш­лай­диган кў­ча иш­га ту­ши­ди. Улар­да 11 минг хиз­ма­т кў­рсатиш об­ект­ла­ри иш бо­шла­ди, 27 минг та я­қин аҳо­ли­нинг банд­ли­ги таъ­мин­ла­ди. Кел­гуси йил­да бун­га қў­шим­ча яна 200 та шун­дай кў­чани таш­кил қи­лиш ре­жа­лаш­ти­рил­ган.

Бир ойда а­на­қаш “йўл хари­та­си”ни ту­зиб, ишни бош­лаб ю­бор­ган ҳо­ким­лар­га ҳар бир кў­ча ин­фра­ту­зил­ма­си учун 4 мил­ли­ард сўм­га­ча маб­лағ аж­ра­ти­ли­ши бел­ги­лан­ди.

Овқат­ла­ниш, сав­до ва сер­вис со­ҳа­си­да ў­зининг брен­ди­ни я­рат­ган кор­хо­на­лар бу­тун ре­спуб­лика бў­йлаб 100-150 та­дан фили­а­ли­ни оч­тиш ния­ти­да.

Бу бо­ра­да ви­лоят ҳо­ким­лик­ла­ри­га мил­лий брен­д­лар­га қў­мақ­ла­штиш топ­ши­рил­ди. А­гар брен­д­лар ян­ги очила­ди­ган фили­ал учун хо­дим­лар­нинг ў­зим ўқитаман, де­са, бу­нинг хара­жа­ти Банд­лик жам­ғар­ма­си­дан қоп­лаб бе­ри­ла­ди. Фи­ли­а­ли­ни кў­пай­ти­риш иста­ги­да­ги брен­д­лар учун ян­ги мо­лия­вий ин­стру­мент­лар жо­рий қи­ли­ниб, 2026 йил­да бун­га 500 мил­ли­ард

Олим ва экспертлар асосий хулоса сифатида келгуси ўн йилда қишлоқ хўжалигида инсон меҳнати 30-40 фоизга камайишини таъкидладилар

AGRITECHNICA 2025: ЖАҲОН АГРОТЕХНИКАСИДА ЯНГИ БОСҚИЧНИ БЕЛГИЛАГАН ГЛОБАЛ ИННОВАЦИЯЛАР МАЙДОНИ

(Боши 1-саҳифада)

Янги формат – “7 кун, 7 мавзу” қўр­га­зма­да биринчи марта кенг қўл­ла­ни­л­ди, қўр­га­зманинг ин­но­ва­ция­си фа­кат тех­ни­ка­да эмас, балки фор­ма­т­да ҳам на­моён бўл­ди. Бу йил илк бор жо­рий этил­ган “7 кун – 7 та мавзу” кон­цеп­ция­си ҳар бир кун­ни ало­ҳи­да мақ­сад­ли аудитор­ия учун мос­лаш­ти­р­ди. Маз­кур ёндашув хал­қаро иш­ти­роқ­чи­лар учун маълумот­лар­ни тар­тиб­ли ва мақ­сад­ли қа­бул қи­лиш им­ко­ни­ни я­рат­ди. Бу фор­мат кўп­чи­лик то­мо­ша­бин­лар то­мо­ни­дан ю­қо­ри ба­ҳо­лан­ди, чун­ки ҳар бир кун аниқ му­та­хас­сис­лик­да­ги ин­но­ва­ция­лар билан бой­тил­ди.

Digital Farming Center бу йил қўр­га­зманинг энг сер­тра­фик май­дон­ла­ри­дан бири бўл­ди. Унда юз­дан ор­тиқ ком­па­ния­лар ва ил­мий ин­сти­ту­т­лар ва­кил­ла­ри а­гар со­ҳа­га оид ўз стар­тап



соат­ма-соат тур­ли тра­ктор мо­дел­ла­рини очи­б-қўр­са­тиб, таъ­мир, диа­гно­сти­ка, сен­сор ал­маш­ти­риш, гидрав­лика ти­зи­ми со­злаш ка­би жа­раён­лар­ни жон­ли тар­зда то­мо­ша­бин­лар­га тақ­дим этиш­ди. Деҳ­қон­лар учун энг му­ҳим то­мо­ни – тех­ни­кани тўғ­ри пар­вар­иш қи­лиш орқа­ли хара­жа­тни 15-20 фоиз­га­ча қис­қар­ти­риш мум­кин­ли­ги ама­лий ми­со­л­лар­да кўр­са­тиб бе­рил­ди. Шунинг­дек, қўр­га­зма дои­раси­да қуйи­да­ги со­ҳа­лар­да му­та­хас­сис­лар иш­ти­ро­ки­да 300 дан ор­тиқ се­ми­нар­лар, па­нел сес­сия­лар ва мас­тер-клас­с­лар ўт­казил­ди: ро­бо­тотех­ни­ка ва сунъий ин­тел­лект, ту­проқ ҳо­ла­ти ва уни бой­итиш, ян­ги уруғ­чи­лик тех­но­ло­гия­ла­ри, ўғит­ла­шнинг ре­сурс те­жам­кор ечи­м­ла­ри, қиш­лоқ хў­жа­ли­ги­да кар­бон изи­ни қис­қар­ти­риш, ав­то­ном фер­мер хў­жа­лик­ла­ри мо­дел­ла­ри. Олим ва экс­перт­лар асо­сий ху­ло­са сифа­ти­да кел­гуси ўн йил­да қиш­лоқ хў­жа­ли­ги­да инсон

меҳ­на­ти 30-40 фоиз­га ка­майи­шини, AI ва ро­бо­тотех­ни­ка эса асо­сий иш­чи куч­га ай­лан­и­шини таъ­кид­ладилар.

Agritechnica 2025­да анъана­вий тар­зда энг ях­ши ин­но­ва­ция­лар ҳам тақ­дир­лан­ди.

Си­раси­ни айт­ган­да, Agritechnica 2025 жа­ҳон а­гар са­но­ати учун на­фақат қўр­га­зма, балки ке­ла­жак қиш­лоқ хў­жа­ли­гининг йў­на­ли­шини бел­ги­лаб бе­рув­чи гло­бал ла­бо­ра­то­рия, Мар­ка­зий Осиё ва Ўз­бе­ки­стон учун за­мо­на­вий тех­но­ло­гия­лар, ра­қам­лаш­ти­риш, ав­то­мат­лаш­ти­риш ва сунъий ин­тел­лект билан та­ни­шиш, ин­ве­сти­ция ва ҳам­кор­лик им­ко­ни­ят­ла­рини ке­н­га­й­ти­риш, шунинг­дек, ма­ҳал­лий ка­др­лар ва фер­мер­лар­га билим, та­жри­ба ор­ти­рти­риш учун ўта му­ҳим пла­т­фор­ма бўл­ди.

Отамурод АБДУЛЛАЕВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
ахборот хизмати ходими.

Таълимда рақамли технологиялар: ЗАМОНАВИЙ ВОСИТАЛАР ЎҚИТУВЧИЛАРГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРАДИ?

(Боши 1-саҳифада)

Бугунги кунда ўқув жа­раё­ни­ни мос­лаш­ти­рув­чи кў­плаб “ақ­ли” элек­трон дар­слик­лар ва даф­тар­лар мав­жуд бў­либ, улар­да ҳар бир ўқув­чи ў­зининг ҳо­зир­ги билим дара­жа­си­га мос ке­ла­диган то­пи­рик ва мав­зу­лар билан иш­лай­ди. Ўқув­чи маълум бир мав­зу­ни ўз­лаш­ти­ри­ган­да, ра­қам­ли дар­слик­лар ун­га ўр­ганиш ва му­стақ­кам­лаш учун ян­ги ва­зи­фа­лар­ни очи­б бе­ра­ди ёки жо­рий мав­зу­да­ги то­пи­риқ­лар­нинг қийин­ли­гини оши­ра­ди.

Мос­лашув­чан таъ­лим ало­ҳи­да эх­ти­ёж­ли ўқув­чи­лар билан иш­лаш­да ҳам ёр­дам бе­ра­ди. Эк­спериментал тад­қиқот­лар шу­ни кў­рсата­ди­ки, бун­дай тех­но­ло­гия­дан фой­да­ла­ниш ўқув­чи­лар­нинг қизи­қи­ши ва ўқув са­ма­ра­дор­ли­гини оши­ра­ди. Ми­сол учун, мо­биль ило­ва­лар ва 3D мо­дел­лаш­ти­риш­дан фой­да­лан­ган ўқитув­чи­лар им­ко­ни­я­ти чек­лан­ган ўқув­чи­лар­нинг ҳисоб­лаш ва му­ҳан­дис­лик фан­ла­ри­га қизи­қи­шини оши­ра­ди. Шунинг­дек, ра­қам­ли тех­но­ло­гия­лар вақ­тни те­жа­й­ди ва билим­лар­ни ба­ҳо­лаш жа­раё­ни­ни сод­да­лаш­ти­ра­ди ҳам­да у ёр­да­мда ўқитув­чи­лар ўқув­чи­лар­нинг иш­ини тез­роқ тек­ши­риб ва ба­ҳо­ла­рини қў­йиб, ўр­ганиш­нинг бош­қа жи­ҳат­ла­ри­га эъ­ти­бор қаратиш­лари мум­кин. Хо­зир­да ўқув пла­т­фор­ма­ла­ри­да жа­во­б­лар­ни ав­то­матик тек­ши­риш мум­кин бўл­ган тест­лар мав­жуд. Ўқув­чи ў­зи­га қў­лай вақ­т­да шун­дай тест топ­ши­риб, на­ти­жа­ла­рини билиб, ҳа­то­ла­рини тах­лил қи­ли­ши мум­кин. Фан­ни ўр­ганиш­да фикр-му­ло­ха­за­лар­нинг аҳа­мия­ти ҳақи­да­ги тад­қиқот­лар шу­ни кў­рсата­ди­ки, зуд­лик билан тек­сари қи­лаёт­ган ўқув­чининг диқ­қа­ти­ни ва қизи­қи­шини сақ­лаб қо­лиш­га ёр­дам бе­ра­ди, бир неча кун да­во­ми­да тек­ши­риш эса улар­нинг нотўғ­ри жа­во­б­лар­ни қў­риб чиқ­иш­га бўл­ган қизи­қи­шини ка­май­ти­ра­ди. Ўқитув­чи­лар эса ўз нав­ба­ти­да, тек­ши­риш ва ба­ҳо­лаш учун сар­ф­лан­ган вақ­тни



қис­қар­ти­ри­ши мум­кин. Ўқитув­чи­лар­нинг ма­ла­ка­си ке­н­га­йиб бо­ри­ши билан улар­нинг ўқув ма­те­ри­а­ли­ни ўқув­чи­лар­га ўр­гатиш ва ет­казиш им­ко­ни­ят­ла­ри ҳам ошиб бо­ра­ди. Мас­алан, ра­қам­ли тех­но­ло­гия­лар ви­део, аудио ва бош­қа фор­ма­т­лар ҳам­да ило­ва­лар­дан фой­да­лан­ган ҳол­да ма­те­ри­а­ли­ни тақ­дим этиш им­ко­ни­ни бе­ра­ди, бу эса дар­с­ла­рини ях­ши­роқ ту­шу­ниш ва сақ­лаш­га ёр­дам бе­ра­ди. Ма­те­ри­а­ли­ни та­с­ви­р­лаш аниқ фан­лар­да фой­да­ли бў­ли­ши мум­кин, ас­л асар­лар­дан пар­ча­ла­рини тин­глаш ва кў­риш эса ада­бий асар­лар­ни идрок эти­шни ях­ши­лай­ди. Бун­дан таш­қари, ўқув жа­раё­ни­да тур­ли ус­лу­б ва ус­у­ла­рининг уй­ғун­ла­шу­ви мав­зу­ни чуқур­роқ ўз­лаш­ти­риш­га хиз­ма­т қи­ла­ди ва ўқув­чи­лар диқ­қа­ти­ни ў­зи­да сақ­лаб қо­ла­ди ҳам­да ўқув да­сту­р­ла­ри ва ило­ва­ла­ри

ҳам ўқув­чи­лар­га ма­те­ри­а­ли­ни эслаб қо­лиш­ла­ри­га ёр­дам бе­ра­ди.

Ра­қам­ли тех­но­ло­гия­лар ўқитув­чи­лар­га ота-она­лар ва ҳам­кас­б­ла­ри билан та­жри­ба ва фикр ал­ма­шиш­лари ҳам­да му­лоқот қи­лиш­ла­ри­да ёр­дам бе­ра­ди. Бун­да ўқитув­чи­лар иж­ти­мо­ий тар­моқ­лар ва ало­қа ило­ва­ла­ри­дан фой­да­ланув­чи ҳисоб­ла­ниб, улар эн­ди­лик­да умумий му­лоқот канал­ла­ри­да­ги эъ­лон­лар ёр­да­ми­да ҳар бир ота-она­га маълумот­ни са­ма­ра­ли ет­казиб, вақт ва куч­ни те­жам­қо­далар. Бун­дан таш­қари, бун­дай ра­қам­ли пла­т­фор­ма­лар ўқитув­чи­лар ва ота-она­лар ўртаси­да ишонч­ли му­но­са­ба­ти­лар­ни ўр­на­тиш учун пла­т­фор­ма я­ра­та­ди. Та­д­қиқот­лар шу­ни кў­рсата­ди­ки, бу ўқув­чи­лар­нинг фаол­ли­гини рағ­бат­лан­ти­ри­ши ва улар­нинг ўр­ганиш­га бўл­ган мо­ти­ва­ция­си­ни

оши­ри­ши мум­кин. Бун­дан таш­қари, ком­пью­тер­лар­дан фой­да­ла­ниш қиш­лоқ ва ша­ҳар ўртаси­да­ги таъ­лим сифа­ти­да­ги та­фовут­ни ка­май­ти­риш­нинг са­ма­ра­ли усу­ли бў­ли­ши мум­кин, чун­ки ра­қам­ли тех­но­ло­гия­лар яна­да ях­ши таъ­лим ре­сур­слари­дан, жу­м­ладан, қиш­лоқ мак­таб­ла­ри ўқув­чи­ла­ри­га ҳам фой­да­ла­ниш им­ко­ни­ни бе­ра­ди.

Ху­ло­са қи­либ айт­гани­ми­зда, ра­қам­ли тех­но­ло­гия­лар ҳо­зир­ги мак­таб ўқув­чи­ла­рини ҳат­то даст­лаб улар­ни қизиқ­ти­рма­ган ёки им­ко­ни­ят­ла­ри­дан таш­қари­да бў­либ ту­юл­ган фан­лар­га ҳам жалб қи­лиш­га қодир. Уш­бу тех­но­ло­гия­лар ўқитиш­нинг ян­ги усул­ла­рини жо­рий этиш ва мак­таб ўқув­чи­ла­рининг а­ф­зал­лик­ла­ри­га эъ­ти­бор қаратиш им­ко­ни­ни бе­ра­ди, бу эса ор­қа­да қол­ган ўқув­чи­лар­ни жалб қи­лиш­га ёр­дам бе­ра­ди ва улар­нинг таъ­лим на­ти­жа­ла­рини ях­ши­лай­ди. Шунинг­дек, мос­лашув­чан ва ин­тер­ак­тив таъ­лим ма­те­ри­а­ли­ни ўз­лаш­ти­риш­нинг энг ю­қо­ри дара­жа­си­га эри­шиш им­ко­ни­ни ҳам­да мак­таб­да ўқув жа­раё­ни­да гад­жет­лар­дан фой­да­ла­ниш ўқув­чи­лар­да ра­қам­ли са­вод­хон­лик­ни ривож­лан­ти­риш­га ёр­дам бе­ра­ди. Бу эса ке­ла­жак ҳаёт­да му­ва­ф­қа­ия­т­га эри­шиш учун за­рур бўл­ган XXI аср­нинг асо­сий ко­м­пе­тен­ция­ла­ри­дан бири ҳисоб­ла­на­ди. Бу­лар­дан таш­қари, за­мо­на­вий мак­таб ўқув­чи­лар­нинг ке­ла­жа­ги ра­қам­ли тех­но­ло­гия­лар билан ўз­вий бў­лиқ­қидр. Улар­нинг ёр­да­ми билан фан­лар­ни ўз­лаш­ти­риш улар­га тез­да мос­ла­шиш ва кейин­ги таъ­лим, мар­та­ба ва кат­та­лар ҳаёт­и­да му­ва­ф­қа­ия­т­га эри­шиш им­ко­ни­ни бе­ра­ди. Шу са­ба­бли, ра­қам­ли қу­ри­л­ма­лар ва ило­ва­лар­ни ўқитув­чи­лар­нинг таъ­лим бе­риш ва ўқув­чи­лар­нинг таъ­лим олиш фао­ли­я­ти­га ҳам­да мак­таб ама­ли­ёт­и­га жо­рий этиш­нинг аҳа­мия­ти шуб­ҳасиз­дир. Шун­дай қи­либ, ўқитув­чи­лар ке­рак­ли ах­борот­дан фой­да­ла­ниш, ха­бар­лар билан иш­лаш­да тан­қидий фикр­ла­шни ша­кл­лан­ти­риш учун ме­диа са­вод­хон­лик­ла­рини мун­та­зам ра­виш­да оши­риб бо­риш­ла­ри ҳам­да ра­қам­ли таъ­лим­да сунъий ин­тел­лект­нинг им­ко­ни­ят­ла­рини оқи­ло­на ва тўғ­ри қў­ллаш бў­йи­ча ма­ла­ка ва қў­ник­ма­га э­га бў­лиш­ла­ри ҳам­да бу та­жри­ба­ла­рини ўқув­чи­лар­га ҳам ўр­гатиш­ла­ри за­рур­дир.

Т. ТУРҒУНОВ,
ТДАУ Олий математика
кафедраси доценти.

➤ Эълонлар

07-01/1553 рақами билан 1992 йил 29 декабрда Хасаян Лазарь Захарович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	08-01/24639 рақами билан 1993 йил 31 мартда Ганченко Елена Александровна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
---	---

Китобсевар инсонларгина бу ҳаётни файзли, жамиятни маънавиятли, давлатни эса қучли қилишга қодир

➤ Хотира

ИҚТИДОРЛИ ОЛИМ, МОҲИР ПЕДАГОГ, ФИДОЙИ УСТОЗ ЭДИ

Бу ёруғ оламда умрини эзгулик ва яратувчанликка бағишлаган, яхши амаллари билан обрў-эътибор ортириб, ибратли из қолдирган инсонлар умрини шуқуҳли умр дейдилар. Профессор Абдулатип Абдусаматовнинг ибратли ҳаёт йўли ҳам ана шундай эди.



Устоз 1932 йили Тошкент шахрида туғилди. Тошкент Фармацевтика институтини битиргач, бир неча йил до-рихоналарда провизор бўлиб ишлаган, 1957-1974 йиллар-да ЎзФА С. Юнусов номли Ўсимлик моддалари кимёси институти аспиранти, кичик ва катта илмий ходими си-фатида хизмат қилган. 1963 йили кимё фанлари бўйича номзодлик, 1972 йили эса докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган. У Тошкент давлат аграр универ-ситети органик ва физиологик кимё кафедраси мудир, Агро-кимё ва тупроқшунослик фа-культети декани, кафедра про-фессори лавозимиди фаолият

юритди, маъруза ҳамда ама-лий машғулотларини илмий асосда олиб борди, кафедрада ўқув-услубий ишларни тако-миллаштирди, рейтинг тизими асосида тест усули бўйича та-лабалар билимини аниқлашни йўлга қўйди. Барча қишлоқ ҳў-жалиги олий ўқув юртлари та-лабалари учун биринчи бўлиб, 4 дарслик, 36 та ўқув-услубий қўлланмалар чоп эттирди, дарслик ва ўқув қўлланмала-ри республика танловларига қўйилиб, муносиб тақдир-ланди. Унинг раҳбарлигида кафедрада “Ўсимликлардан биологик фаол бирикмалар-ни ажратиб олиш, уларнинг тузилишини аниқлаш ва улар асосида синтезлар” мавзуси-да илмий иш олиб борилди, ҳозирда бу ишни шогирдлари давом эттирмоқдалар. Олин-ган илмий натижалар бўйича монография ва 120 дан зиёд илмий мақолалар нуфузли халқаро журналларда чоп этилган. Унинг раҳбарлигида 2 та фан доктори, 8 та фан ном-зоди етишиб чиқди. Шу билан бирга кафедрада давлат гран-ти бўйича ҳам илмий иш олиб борилган. Иккита препарат тиббиётга тадбиқ этилган, яна

2 таси эса қишлоқ ҳўжалигида инсектицид ва ўстирувчи мод-да сифатида дала синовидан ўтган. У университет ўқув-ус-лубий ва илмий кенгашлари-нинг аъзоси, моҳир, тажриба-ли педогог сифатида ёшларга давлат таълим стандартлари асосида билим ва тарбия бе-ришда фаол иштирок этди. Кўп йиллик самарали меҳнатла-ри учун “Маориф аълочиси”, “Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи” ва “Ўзбекис-тон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” унвонлари билан тақдирлан-ган. Профессор А. Абдусам-атов юқори малакали ўқитувчи, табиий бирикмалар кимёси соҳасида етук олим сифатида мамлакатимиз илм-фанига муносиб ҳисса қўшди, иқти-дорли олим, моҳир педагог, фидойи устоз эканлиги ва одамлилик хислатлари билан кўпчиликнинг ёдида қолди. Уни яқиндан билганлар қал-бида инсоний фазилатлари узоқ вақт сақланиб қолишига шубҳа йўқ.

Рихсвий ЗИЯЕВ, ТДУА Табиий фанлар кафедраси профессори, кимё фанлари доктори.

➤ Мулоҳаза

“Она, ўша урф бўлган чинни идишлар ўрнига менга айтган китобларимни сотиб олиб беринг, илтимос”. Қизининг бу гапи онанинг энсасини қотирди. Бу қиз нималар дейди-я, ўйлади у, одамлар, қудалар олдида нима деган одам бўламан? Келиннинг биронта ҳам қиммат чиннилари йўқ экан, онасининг қурби етмабди, деган гапдан уятлиси борми? Ахир, бу нарсалар келин сепининг кўрки-ку! Бу қизнинг эса топган гапи “китоб”. Китобга тўядими ўзи?!

ЖОҲИЛИК ИЛАЗИ ИЛМСИЗЛИҚДИР

Аслида она жиғибийрон бў-лиш ўрнига қувонишни керак эди. Китобни яхши кўрадиган, китобсиз яшай олмайдиган шундай қизи борлиги учун се-виниши керак эди. Ўша қиз ке-лин бўлди. Яхшиямки, маъри-фатли оилага келин бўлди. Куёв бўлмиш ҳам илм йўлини та-налаган йигит экан. Бу оиланинг келажagini ўйласанг, кўнглинг ёришади, кўнглинг таскин то-лади. Чунки жамиятда яна бир зиёли оила барпо бўлди. Бироқ қизнинг онаси каби китобдан кўра сеп-сидиргани, мол-дунё-ни, дабдабани, шу йўл билан обрў олишни афзал биладиган оналар ҳам орамизда оз эмас. Уларга бутун янги, эртага эски-радиган латта-путта, идиш-то-воқлар эмас, балки билими, маънавиятли, касб-корли қиз ота-онага ҳақиқий обрў олиб беришини тушунтириш вақти аллақачон келган.



Эльзара ХАЛИЛЯЕВА, Наманган давлат педагогика институти АРМ ахборот-кутубхона ресурслари билан хизмат кўрсатиш бўлими мудир.

Етишмовчилик эса жанжалга, келишмовчиликларга сабаб бўлади. Мана, нотинч оилалар, пароканда оилалар, жиноят-чилар қаердан пайдо бўлади?! Жожилик илдизи – илмсиз-лик. Буни жадидларимиз ҳам кўп бора таъкидлашган. Ҳаёт ҳам истанганча далил-исбот-ларни бизга тақдим этмоқда. Арзимаган алимент сабаб со-бик аёли ва ҳали норасида фар-занд жонига қасд қилаётган оталар илмсизлиги учун жоҳи-ликка, жиноятга қўл урмайпти-микан?! Худди шундай. Билим-бутун улар қандай имконлар-га эга, улардан фақат орзу қи-лиш, у сари интилиш, ҳаракат қилиш талаб этилади, холос. Афсуски, ёшларимиз орасида вақтнинг қадрини, қимма-тини билмайдиганлари ҳам бор. Қўча-қўйларда вақтини ҳавога совуриб, бемақсад дай-диб юрган ўсмирлар, йигити-лар, қизлар фақатгина вақтни эмас, умрини, келажagini ҳавога совураётганларини хо-зир англаб етишмайпти. Лекин эртага кеч бўлади. Улар оила куриб, рўзгорни елкаларига олишганидан кейин чорасиз-лик домга тушиб қолишлари табиий. Чунки на билими бор уларнинг, на бирон ҳунари, касби. Бу оилада етишмов-чиликни келтириб чиқаради.

➤ E'lon

“Maxam-Chirchiq”

aksiyadorlik jamiyati vakolatli omborlar tashkil qilish bo'yicha tanlov e'lon qiladi

“Maxam-Chirchiq” aksiyadorlik jamiyatida ishlab chiqarilayotgan mineral o'g'itlar va boshqa mahsulotlarni vaqtinchalik saqlash bo'yicha xizmat ko'rsatish to'g'risidagi shartnomalarni tuzishda tadbirkorlik subyektlari va boshqa talabgor korxonalar o'r'tasida teng raqobatbardoshlik jarayonining xolis va shaffof o'tkazilishini ta'minlash maqsadida, Andijon viloyati hududida korxona tomonidan ishlab chiqarilgan mineral o'g'itlarni saqlashda o'tkazilishini vakolatli omborlarni tashkil etish tanlovi asosida o'tkazilishini e'lon qiladi.

Mineral o'g'itlarni saqlash uchun texnik va xavfsizlik talablariga to'la javob beradigan vakolatli omborlarni hamda uni tashkil etuvchi munosib talabgorlarni tanlab olish tanlov asosida, maxsus tartibga asosan amalga oshiriladi va texnik topshiriqda belgilangan shartlarga asosan tanlab olinadi.

Tanlovda O'zbekiston Respublikasining qonun hujjatlariga muvofiq tashkil etilgan, sog'lom moliyaviy faoliyatga ega bo'lgan, o'z mulkida, xo'jalik yuritishda yoki operativ boshqaruvida alohida mol-mulkka ega bo'lgan hamda o'z majburiyatlari yuzasidan ushbu mol-mulk bilan javob beradigan, mustaqil balansiga yoki smetasiga ega bo'lgan tashkilotlar qatnasha oladi.

Tanlovda ishtirok etish uchun tanlov takliflari muhrlangan konvertda 2025-yil 24-noyabr soat 18-00 ga qadar qabul qilinadi. Vakolatli ombor tanlovida ishtirok etish uchun zarur hujjatlar va qo'yiladigan talablar haqidagi to'liq ma'lumotlar korxonaning veb-saytiga joylashtirilgan (www.maxam-chirchiq.uz)

Ma'lumot olish uchun pochta manzili:

Toshkent viloyati, Chirchiq shahri, Toshkent ko'chasi, 2-uy.

Telefon: (99) 229-28-22, 851-10-08.

E-mail: birga@maxam-chirchiq.uz

Бугунги кунда Ўзбекистон таълим тизими чуқур ислохотлар босқичини бошдан кечирмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистонни барпо этишда энг муҳим вазифа – билимли, маърифатли, ватанпарвар ёшларни тарбиялашдир. Бунинг асоси эса, ўқитувчининг меҳнатига боғлиқ”.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА КИМЁ ТАЪЛИМИ ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНМОҚДА?

Ушбу фикр бугунги кунда айниқ-са, табиий фанлар, жумладан, кимё таълими учун алоҳида долзарбдир. Чунки кимё фани бу келажак техноло-гиялари, экологик барқарорлик ва ин-новацион ишлаб чиқаришнинг асоси.

Ўзбекистоннинг янгиланиш жараёнида кимё соҳаси стратегик тармоққа айланмоқда. Қишлоқ ҳў-жалиги, фармацевтика, энергетика ва экология каби йўналишларнинг барчасида кимёвий билимлар зарур.

Янги Ўзбекистон таълим сиёсати-да ўқитувчи энди фақат билим берув-чи эмас, балки ислохотлар ижроси-ни ва янгиланиш етакчиси сифатида эътироф этилмоқда. Демак, ҳар бир кимё ўқитувчиси эндиликда ўз дарси-ни янгича ёндашувлар асосида таш-кил этиши лозим. Бу экспериментал тафаккурга ўргатиш, рақамли техно-логиялар ва симуляцион лаборато-рияларни қўлаш, илмий изланишга йўналтирилган дарслар ташкил этиш, экологик маданиятни шакллантириш-ни ўз ичига олади.

Кимё таълимининг асосий мақса-ди – ўқувчида “реакцияларни ёдлаш” эмас, балки таҳлилий фикрлаш ва амалий тажриба қилиш кўникмаси-

ни шакллантиришдир. Бугунги кун кимё ўқитувчиси бу илмий таҳлилчи, психолог ва инноватор, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги кўприк.


Янгиланаётган Ўзбекистонда кимё соҳасида ҳам фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий алоқани кучайтиришга катта эътибор берил-моқда. Масалан, Тошкентда ташкил этилган Д.И.Менделеев номидаги Рос-сия Кимё-технология университети филиали – кимё таълимида халқаро тажриба алмашишнинг ёрқин на-мунасидир. Бу ташаббус 2019 йил Президент қарори асосида амалга оширилган бўлиб, у Ўзбекистон ёшла-рини жаҳон илмий майдонига олиб чиқиш мақсадини кўзлайди.

Кимё ўқитувчилари эндиликда са-ноат корхоналари билан ҳамкорлик-да амалий дарслар ўтказиш, экологик лойиҳалар ва стартапларда иштирок этиш, ўқувчиларни илмий мусобақа-ларга тайёрлаш орқали миллий кимё мактабини ривожлантириш имко-нига эга.

Қамариддин КОМИЛОВ, Чирчиқ давлат педагогика университети Кимё кафедраси доценти, техника фанлари номзоди.

Қутуриш касаллиги 150 дан ортиқ давлатларда, асосан, Осиё ва Африка қитъасида жойлашган давлатлар соғлиқни сақлаш соҳасининг катта муаммосидир. Бу касаллик ҳар йили бир неча ўн минглаб одамлар ўлимига сабаб бўладиган, жамият соғлиғига ҳамда ижтимоий-иқтисодий осойишталикка катта зарар етказадиган зооноз касаллик ҳисобланиб, унга чалинган одамларнинг 40 фоизини 15 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Касалликнинг асосий табиий ташувчилари тулки, бўри, қуршапалак каби иссиқ қонли ёввойи ҳайвонлар, куён, юмронқозиқ, типратикон, каламуш, сичқон каби меирувчилар бўлсада, дунё мутахассисларининг таҳлилларига кўра, одамлар 99 фоиз ҳолатда касалликни уй ҳайвонлари ҳисобланган ит ва мушуклардан юктириб олади.

ҚУТУРИШ – БЕДАВО ДАРД



натижасида табиий ўчоқлари ор-тиб бориши кузатилади. Бундан таққарининг кўллиги сабаб қилиб кўрсатилади. Ўрта Осиё давлатла-рида ҳам касаллик асосан итлардан юқди ва йилгача 5-10 та ҳолат қайд этилади. Африкада 90 фоиз ҳолатда итлардан, 5 фоиз ҳолатда ёввойи ҳайвонлар, геналар ва шоқоллар-дан юктириб олиши аниқланган, Лотин Америкасида қутуриш касаллиги резервуарлари асосан қон сўрувчи қўршапалаклар бўлиб, улар уй ҳайвонларига ва айрим ҳолларда бевосита одамларга касалликни юктириши аниқланган. Америкада одамларга қутуриш касаллигининг юқиши мураккаб ҳусусиятга эга бўлиб, йиллар ўтган сайин ўзга-риб келиши кузатишмоқда, ўтган асрининг 70-йилларигача қутуриш касаллиги одамларга кўпчилик ҳо-латларда уй ҳайвонларидан юққан бўлса, охириги ўн йилликда тулки, енот, скунс ва чиябўрилар одамлар-га касаллик юктирувчи резервар бўлиб келмоқда.

Қутуриш вируси ҳайвонлар-нинг сўлак безларида кўпайди ва сўлакларни орқали ташқи муҳитга ажралиб чиқади. Касаллик ёввойи ҳайвонлар ўртасида доимий ра-вишда бир-бирига юққан ҳолда айланиб туради ва популяция-нинг кўпайиши ҳамда ҳайвонлар яшаш ареалининг кенгайиши

биринчи ҳолатда тана ҳарорати кўтарилди, жароҳат жойида уви-тиш, оғриқ, тушунарсиз ачишиш ва қизариш пайдо бўлади. Бемор жуда таъсирчан ва ҳаракатчан бўлиб қо-лади, ноқўй ҳаракатлар пайдо бўла-ди, сувдан кўрқиш (гидрофобия), ёруғликдан кўрқиш (фотофобия), шамолдан кўрқиш (аэрофобия), шовқиндан кўрқиш (акустикофо-бия) каби белгилар пайдо бўлади ва 3-5 кунни бемор тинчланиб қола-ди ва унда паралич ривожланади, нафас олиш қийинлашади ҳамда юрак-кон томир етишмовчили-гидан касалликнинг 7-8 кунлари бемор вафот этади.

Касалликнинг иккинчи ривож-ланиш тури 20 фоиз ҳолатларда ку-затилади, аввал жароҳат жойида увишиш ва паралич пайдо бўлади ва бу аста-секинлик билан бошқа органларга тарқалади, натижада, кома ҳолатига тушади ва бемор вафот этади. Касалликнинг бу турида касаллик узоқроқ давом этиши мумкин, биринчи турида-ги каби яққол касаллик белгила-ройи бўлмаганлиги сабабли айрим ҳолларда касалликка тўғри ташхис қўйилмайди, чунки, жароҳат битиб кетган, айрим ҳолларда жароҳат ўрнида чандик қолмаслиги ҳам мумкин, эпидемиологик анамез тўғри йиғилмаса, ташхис қўйишда хатоликка йўл қўйилиши мумкин.



ЮКСАК МУКОФОТ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Ислом цивилизацияси марказида “Келажак мероси” халқаро мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтди

Унда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва Озарбайжон Республикаси Президенти иштирок этди.

Мазкур нуфузли мукофот Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан таъсис этилган бўлиб, унинг мақсади – Туркий дунё ва қўшни халқлар маданияти, санъати, илм-фани ва адабиётига қатта ҳисса қўшган истеъдод эгалари ва зиёлиларни муносиб рағбатлантиришдир.

Бу йилги танловнинг илк ғолиблари Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Озарбайжондан тавсия этилган таниқли ижодкорлар ва олимлар бўлди. Маросимда лауреатларга мукофот статуткаси, диплом ва 10 минг долларлик пул мукофоти топширилди. Фан, таълим ва рақамли технологиялар номинацияси Ўзбекистон олими профессор Дилфуза Эгамбердиевага топширилди. Бу ўзбек хотин-қизлари учун фахр ва ғурур.

Дил изҳори

Сурхон воҳасининг асл фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг 75 йиллик юбилеи юртимиз бўйлаб кенг нишонланди. Бу қутлуғ санага бағишлаб Термиз шаҳридаги “Санъат саройи”да, Бойсун туманидаги марказий маданият уйида ўтказилган ҳамда Тошкент шаҳрида ва бошқа вилоятларда, туманларда бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбирларни, учрашувларни, шоирлар ўртасида бўлиб ўтаган мушоираларни кузата бориб қалбим ифтихорга тўлди. Сабаби, Усмон акани ёшлигимдан, қолаверса, талабалик давримдан буён кўп сонли ўқувчиларидан бири сифатида ҳамда амакимиз Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг энг яқин, содиқ шогирдларидан бири бўлганлиги учун ҳам жуда яхши биламан ва бундан фахрланаман.

БОЙСУННИ ОЛАМГА БЎЙЛАТГАН ШОИР

Дарҳақиқат, Усмон Азим ўзбек адабиётида ўзига хос фикрлаш, ёзиш услубига эга, шеърни ёд ўқишдек ноёб қобилияти билан кўп сонли ўқувчилари ўртасида кенг танилган, бетақрор шоирларимиздан бири. У ижодий фаолияти давомида ҳеч кимнинг ижодий йўлини, услубини ўзлаштиргани ёки новатор шоир сифатидаги услуби, овозини ҳам бошқаларга бериб қўйгани йўқ. Шу ўринда бевосита Усмон ака билан боғлиқ бир воқеа ёдимга тушиб қолди. 1980 йилларнинг бошлари эди, Усмон Азим билан Шукур аканинг Булунгурдаги жиянларидан бири, Фозил Йўлдош номли хўжаликнинг касаба уюшмаси раиси ўрол Ғаниевни кига тўйга бордик. Ўғилларига суннат тўй қилаётган экан. Тўй боқавуллари бизни очиқ чехра билан кутиб олишди. Салом-алиқдан

сўнг бир пиёла чой устида ҳангома қизигандан қизиб кетди. Тушлиқдан сўнг Шукур ака менга юзланиб, “Холбой, тўй эгаларига ҳалақит қилмайлик, тўй ташвишларини ўзинг яхши биласан, Фозил бобомизнинг уй музейини, ҳайкалини зиёрат қилиб, бир узумзорларни айланиб келайлик”, деди. Тўй эгаларидан рухсат олиб айлангани чиқдик. Усмон аканинг Булунгурга илк бор келиши эди. Шу боис бўлса керак, чор-атрофни синчиқлаб кузатар, бетон устунчаларга дид билан боғланган адоғи йўқ ям-яшил узумзорларга боқиб, ҳайратланарди. Қайтаётиб бахши шоирнинг уй музейини томоша қилдик, ҳайкали ёнида тиловат қилиб, шоирнинг порлоқ хотирасини ёд этдик. Сўнгра қалин, манзарали дарахтлар ёнларига ўрнатилган ўриндиқлардан бирига ўтириб, дам

ола бошладик. Шукур акага разм солдим, кайфияти чоғ эди. Сигаретасини ёндириб, ўриндиққа ястаниб ўтираркан, оёқларини қовуштирди. Биз ҳам ўтирдик. Шунда мен “Шукур ака, бир нарс айттайми”, дедим. – Хўш, гапирчи, – деди қизиқсиниб, менга боқаркан. – Кечирасиз, шу десангиз Усмон акамнинг юриш-туришларини, айниқса, минбарда туриб, эркин бир ҳолатда шеър ёд ўқиётгандаги сочларининг силкинишларини, қўл ҳаракатларидаги шижоатларини, барча мимикаларини кузатиб, ўқишини худди Маяковскийга ўхшатаман, шунга нима дейсиз? Шукур ака менга бир муддат тикилиб қараб қолди, сўнгра шляпасининг олд томонини бир оз кўтариб қўйиб, қулимсиради ва “Мен Усмоннинг шеър ўқишидаги бу ҳолат-

лари ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Ҳеч кимга ўхшатмабман. Менимча, ҳам жуда тўғри таъриф бердинг”, деди. Бу таърифим Усмон акага ёққани юзидан шундоққина билиниб турарди. Шунга қарамай елкасини қисиб, “бўлса, бордир”, деди қулимсираб... Илгари тўйлар кечкурунлари бўларди. Машхур адибларнинг тўйга келганлиги ҳақдаги хушхабар бир зумда чор-атрофдаги қишлоқларга ҳам аллақачон тарқалиб бўлган эканми, тўйга тумонат одам келди. Тўй бақовулларининг таклифига биноан, жиянларининг тўйини очиб бериш учун Шукур акага сўз берилди. Тўй жуда мароқли, тартибли ўтди. Эртаси куни Тошкентга қайтдик. Орадан бир йиллар ўтгач, доимгидай бир куни Усмон аканинг ишхонасига қўнғирок қилдим. Гўшакни котибаси кўтарди. Телефонни акага улаб беринг, дедим. Котиба менга “Холбой ака, хабарингиз йўқми, бир ҳафта бўлапти, у киши Тибилисига, Бутуниттифоқ ёш адибларининг қурилтойига кетган”, деди. Ўша заҳотиёқ беихтиёр Усмон акага берган таърифим ёдимга тушди. Қўнғлим ниманидир сезгандай бу хабарни эшитиб, хурсанд бўлдим. Қурилтойдан қайтганидан сўнг кўп ўтмай Усмон акнинг ўзи менга сим қоқиб қолди. Салом-алиқдан сўнг у киши менга “Холбой, сен мабодо башоратчи эмасмисан? Мен қурултойнинг соврини – Маякойский номидаги Бош мукофотни қўлга киритиб, келдим”, деди. Мен ҳам бўш келмай “мен буни олдиндан сезгандим”, дедим. Усмон ака “гапни кўпайтирмай, мен айтган жойга тез етиб кел, тўрт-бешта дўстларимга зиёфат қилиб бермоқчиман”, деди. Ҳаётда бундай воқеаларнинг бўлиб туриши табиий, албатта... Фурсатдан фойдаланиб, авваламбор барча бойсунликларни, қолаверса, Сурхон воҳаси, юртимиз аҳлини машхур шоиримизнинг 75 йиллик юбилеи билан чин қалбдан қутлаймиз. Шоирнинг ижодий фаолияти бардавом, янада сермазмун бўлсин!

Холбой ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Муносабат



ЯНГИ НАМАНГАНДА ТҶЙЛАР ҲАМ ЯНГИ ТАРТИБДА ҶТАЯПТИ

Шаҳару қишлоқларимизда ҳар куни тўйлар бўлмоқда. Туманимизнинг Янги Наманган маҳалласида ҳам ҳар тонг қарнай-сурнай садолари билан бошланмоқда. Қувонарлиси, бу тўйлар аввалгисидан бутунлай бошқача: қамчиқим, тартибли, ортиқча одатлардан холи тарзда ўтказилмоқда. Меҳнатқаш маҳалладошларимиз давлатимиз раҳбарининг таширфидан қувониб, белгилаб берилган вазифаларни бажонидил бажаришга киришганлар. Янги номдаги маҳалламизда ҳаёт ҳам энди янгиҳа кечаётганини кўпчилик эътироф этмоқда.

Дарвоқе, ҳар куни тўйлар бўляпти, қишлоғимизда. Янги бир оиланинг бунёдга келгани ҳаётининг давом этажигига далил, албатта.

Бирок фаолиятимиз давомида гувоҳ бўляпмизки, айрим ҳолларда тўй ва у билан боғлиқ тадбир-тантаналарда киши кўнглини хира этадиган манзаралар учраб турибди...

Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бундан бир ой аввал хорижлик, аниқроғи, россиялик бир гуруҳ меҳмонлар биз билан бирга ўзбек хонадонларидан бирида бўлган тўйда иштирок этишганди. Улар тўқин дастурхонимиз, қатта дошқозонлардаги ош-овқатларни кўриб, ҳайратга тушишганди. “Жудаям бой яшар экансизлар”, деганди. Лекин бир саволни ҳам беришганди: шунча овқат ёйилмай қолса, нима бўлади?

Гапнинг очиги, меҳмонларга ҳамроҳларимиз билан тўйларимизга жудаям кўп одам ташриф буюриши, бунча озиқ-овқатлар албатта, тановул қилинишини айтишга айтдик-ку, бирок ўзимиз ҳам бу сўзимизга ишонмагандик. Исрофгарчилик бўлиши кундай равшан эди-да!..

Тан олишимиз керак, тўй барчамизнинг йиллар давомидаги орузларимиз ҳосиласи, ҳаётимизнинг энг қувончли лаҳзаларини ўзида жамлаган тантана. Бу кун учун йиллаб

ийққан-терганимизни сарф этишга тайёр турамыз. Меҳмондўстлигимиз, саховатли эл вакили эканимиз айнан шундай кунларда яна бир бора намоён бўлади. Хонадонимизга ташриф буюрган ҳар бир кишини рози қилиб қузнатмасак, кўнглимиз тўлмайди. Шу мақсадда еламыз-югурамыз, керак бўлса, қарз-ҳавола кўтаришишга борамиз.

Ҳаммаси яхши ниятлар учун, аммо юқоридаги манзара каби кўпинча исрофгарчиликларга, беҳуда сарф-харажатларга йўл қўйганимизни сезмай қоламиз. Бирок буларнинг ҳаммаси керакми, деган савол негадир бизни ўйлантирмапти...

Шу йилнинг 16 сентябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Оқилона истеъмол” дастурини амалга ошириш бўйича чоратадбирлар режаси тасдиқланди. Эндиликда тўйлар, оилавий тантана ва маросимлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кенгаши ва Сенат кенгаши қўшма қарори билан тасдиқланган Низом асосида ўтказилиши шарт. Ушбу Низомда оилавий тадбирларда 200 нафаргача, шу муносабат билан бериладиган ош маросимида эса 250 нафаргача иштирокчи қатнашиши мумкинлиги кўрсатилган. Қўшалоқ тўй ва ҳашарларда 250 нафаргача, унга боғлиқ



ош маросимида эса 300 нафаргача меҳмон бўлиши керак.

Бу халқ манфаатини ўйлаб қабул қилинган ҳужжат. Дабдабали тўй ва ундан кейинги маросимлар, антиқа одатлар бизга қафат зарар беради, холос. Ортиқча одатлар, сарф-харажатларнинг ўрнига фарзандларимиз, жигарларимиз, маҳалладошларимиз, яқинларимизни илмли, касб-хунарли қилишга ҳаракат қилайлик, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзайлик! Мана шу бизга ҳақиқий обрў келтиради.

Расулжон АЛИХОНОВ,
Норин туманидаги Қозоқовул масжиди имом хатиби.

Реклама

МКВАНКning Sherdor kartasi — premium qulayliklar siz tomonda!



Karta narxi: 70 000 so'm

1 oylik abonent to'lovi — BXMning 15%

Afzalliklari:

- Toshkent xalqaro aeroportidagi CIP Lounge hududiga yiliga 4 martagacha bepul kirish;
- Yiliga 6 martagacha dunyo bo'ylab aeroport lounge va CIP zallariga bepul kirish;
- Mashhur restoranlar, do'konlar va xizmat ko'rsatish maskanlarida 20 foizgacha chegirmalar;
- Zeekr avtomobillari xaridida maxsus chegirma;
- Golden House xonadonlari uchun imtiyozli narxlar.

Imtiyozlar ro'yxati doimiy ravishda yangilanib boriladi.

Xizmatlar litsenziyalangan

Эълонлар

11-21/165 рақами билан 1993 йил 3 августда Иванова Нина Александровна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	10-02/2754 рақами билан 1993 йил 13 январда Машков Александр Юрьевич номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
--	---

"MODERN ARCH DESIGN" МЧЖ (СТІР 302 122 012) устав жамғармаси 9 502 280 130 сўм 36 тийиндан 9 075 597 130 сўм 36 тийинга камайитирилаётганлигини маълум қилади. Талаблар Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Асалобод 2-мавзеси 3-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси комплекс таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир:

Чори

ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Актам ХАИТОВ, Эшмира АбДУАЛИМОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Нашр индекси – 144. Буюртма Г-1117. 1430 нусхада чоп этилди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Тахририй манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Телефонлар: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45. Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Бахоси келишилган нархда.

Саҳифаловчи-дизайнер: М.ЮСУПОВ

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Босмахона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.10